

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 25 » ИЮНЬ 2019 у.

№ 524

Toshkent sh.

**Наманган ва Сирдарё вилоятларида
кичик саноат зоналарини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Тадбиркорликни ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3826-сон қарорига асосан Наманган вилоятида 6 та ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Сирдарё вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек, давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 4 августдаги 589-сон қарорига асосан Сирдарё вилоятида 2 та кичик саноат зоналари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Наманган ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликларининг Наманган ва Сирдарё вилоятларида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ва ер участкаларини 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича Наманган ва Сирдарё вилоятлари кичик саноат зоналари таркибига (кейинги ўринларда КСЗ деб аталади) киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги икки ой муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда:

ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани ва Наманган шаҳридаги фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектлари Наманган вилояти ҳокимлигига белгиланган тартибда топширилишини;

“Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув органларининг мажлисларида ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ Сирдарё вилояти Ховос тумани “Бунёдкор” МФЙ худудидаги “Ўзтрансгаз” АЖга қарашли омборхона бино ва иншоотларини “Ўзтрансгаз” АЖ устав капиталидаги давлат улушкини тегишли равишда ўтказилаётган активларнинг қолдик (баланс) қиймати суммасига камайтирган ҳолда Сирдарё вилояти ҳокимлигига топшириш масаласи қўриб чиқилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарорга 1-иловада қайд этилган КСЗлар чегараларини бир ой муддатда аниқлаштиурсинлар.

5. Наманган ва Сирдарё вилоятлари эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда белгиланган тартибда:

Наманган ва Сирдарё вилоятлари иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал-хомашё, қишлоқ хўжалиги ресурсларини ва инфратузилмани инобатга олган ҳолда Наманган ва Сирдарё вилоятлари КСЗлари худудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар – “йўл хариталари” икки ой муддатда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини;

Наманган ва Сирдарё вилоятлари КСЗлари худудида ўзлаштириш учун таклиф килинаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари тўғрисидаги маълумотлар тадбиркорлик субъектларига етказилишини;

КСЗлар худудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, улар билан тизимли ишлар олиб бориш, шунингдек, Наманган ва Сирдарё вилоятлари КСЗлари худудида ишлаб чиқаришларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомалари сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини;

Наманган ва Сирдарё вилоятлари КСЗлари худудида ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишида тадбиркорлик субъектларига кўмаклашишини таъминласинлар.

6. 2019-2020 йилларда Наманган ва Сирдарё вилоятлари кичик саноат зоналарининг муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклаш ишларининг манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Наманган ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда ушбу қарорга 2-иловага мувофиқ Наманган ва Сирдарё вилоятлари КСЗларининг муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклаш ишлари тармоқ жадвалларини тасдиқласин ва уларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминласинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринbosари Э.М. Ганиев, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А. Хўжаев, Наманган вилояти ҳокими X.Х. Бозаров ва Сирдарё вилояти ҳокими F.F. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 июн даги 524-сон қарорига
1-илова

**Наманган ва Сирдарё вилоятларидағи кичик саноат зоналари
таркибиға киритиладиган фойдаланилмаётган ишлаб чыкаш
майдонлари ва ер участкалари**
РҮЙХАТИ

T/р	КСЗ номи	КСЗ таркибиға киритилаётган объектларнинг номи	Объект жойлашган манзил	Худуди (га)*	Бино- иншиоотлар майдони (кв.м)*
Наманган вилояти					
1	Наманган шаҳар КСЗ	Академик М. Мирзаев номидаги республика илмий тадқиқот институтининг Наманган вилояти филиалига қарашли бино ва иншиоотлар	Наманган шаҳар, Дашбоқ МФЙ, Амир Темур кӯчаси 4 уй	3,8	3 000,0
2	Наманган тумани КСЗ	Фойдаланилмаётган ер участкаси	Наманган тумани, Катта Тошбулоқ МФЙ	4,5	—
3	Поп тумани КСЗ	Фойдаланилмаётган ер участкаси	Поп тумани, Миришкор МФЙ	2,0	—
4	Мингбулоқ тумани КСЗ	Собиқ “Гулбоғ” қишлоқ участка шифохонаси бино- иншиоотлари	Мингбулоқ тумани, Ёшлиқ МФЙ	1,5	1 051,5
5	Янгиқўргон тумани КСЗ	Фойдаланилмаётган ер участкаси	Янгиқўргон тумани, Бунёдкор МФЙ	10,0	—
Сирдарё вилояти					
6	Ховос тумани КСЗ	“Ўзтрансгаз” АЖга қарашли бўш турган омборхона бино ва иншиоотлари**	Ховос тумани, “Бунёдкор” МФЙ	3,5	3 736,0

*) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат
кадастри давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқарши агентлиги томонидан
туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан биргаликда аниқланади.

**) Бино ва иншиоотлар, шунингдек, уларга туташ ҳудудлар хўжалик юритувчи
жамиятларнинг тегизили бошқарув органдари йигилишиларида кўриб чиқиш
натижаларига кўра аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 июн даги 524сон карорига
2-илова

**2019-2020 йилларда Наманган ва Сирдарё вилоятлари кичик саноат зоналарининг
муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини
тиклаш ишларининг манзилли
рўйхати**

Чора-тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/Кувват	Харажатлар микдори* (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул изжочилар
Наманган вилояти					
Наманган тумани кичик саноат зонаси					
Электр тармоғи ва объектини қуриш	км объект	1,5 1	365,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
Газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	3,5	980,0	“Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ
Ичимлик суви ўтказиш тармоғини қуриш	км	2,0	593,2	Наманган вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Наманган вилояти ҳокимлиги, “Сувоқава” ДУК
Оқава суви ўтказиш тармоғини қуриш	км	1,5	600,0		Наманган вилояти ҳокимлиги, “Сувоқава” ДУК
Автомобиль йўлларини қуриш	км	1,2	3 875,0		Наманган вилояти ҳокимлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
Жами:		6 413,2			
Пон тумани кичик саноат зонаси					
Электр тармоғи ва объектини қуриш	км объект	0,3 1	87,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
Газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,3	98,0	“Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ
Ичимлик суви ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,2	59,0	Наманган вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Наманган вилояти ҳокимлиги, “Сувоқава” ДУК
Автомобиль йўлларини қуриш	км	0,5	650,0		Наманган вилояти ҳокимлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
Жами:		894,0			
Мингбулоқ тумани кичик саноат зонаси					
Ичимлик суви ўтказиш тармоғини қуриш	км	1,0	296,6	Наманган вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Наманган вилояти ҳокимлиги, “Сувоқава” ДУК

Чора-тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдор/Кувват	Харажатлар миқдори* (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
Оқава суви ўтказиш тармоғини қуриш	км	2,0	2 800,0	Наманган вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Наманган вилояти ҳокимлиги, “Сувоқава” ДУК
Автомобиль йўлларини қуриш	км	1,0	3 151,0		Наманган вилояти ҳокимлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
Жами:			6 247,6		

Янгиқўргон тумани кичик саноат зонаси

Электр тармоғи ва объектини қуриш	км объект	2,4 1	152,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
Ичимлик суви ўтказиш тармоғини қуриш	км	2,5	741,4	Наманган вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Наманган вилояти ҳокимлиги, “Сувоқава” ДУК
Оқава суви ўтказиш тармоғини қуриш	км объект	2,0 1	2 800,0		Наманган вилояти ҳокимлиги, “Сувоқава” ДУК
Автомобиль йўлларини қуриш	км	1,2	3 565,0		Наманган вилояти ҳокимлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
Жами:			7 258,4		
Наманган вилояти бўйича жами:			20 813,2		

Сирдарё вилояти

Ховос тумани кичик саноат зонаси

Газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	1,1	110,0	“Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ
Жами:			110,0		
Сирдарё вилояти бўйича жами:			110,0		

**Харажатларнинг якуний миқдори лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши ва тасдиқланиниши натижасида аниqlанади.*

